O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2006-yil, 8-dekabr • № 49 (3878)


## 2007 ЙИЛ — "ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ"

**2007 йилга "Ижтимоий ҳимоя йили" деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади.**

*Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.*



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЮРТИМИЗДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги муносабати билан 7 декабр куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.**

**Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.**

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Бундан 14 йил муқаддам умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томонлама ва чуқур ўйланган демократик йўл билан қабул қилинган Асосий қонунимиз янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Асосий қомусимиз, бир томондан, халқимизнинг теран тарихий илдизларига асосланган, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган бўлса, иккинчи томондан, тарихда синалган умуминсоний қадриятлар, халқаро андозалар, тараққий топган давлатларнинг илғор тажрибаси мужассам этилган ҳужжатдир.

Ўтган даврда Конституциямизнинг ҳаётий негизи нечоғли мустаҳкам экани ўз тасдиғини топди. Конституциявий қоидалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг барқарорлиги, истиқлолга садоқатимиз, истиқболга ишончимиз, ислоҳотларимизнинг муваффақиятли одимлари, эзгу юмушларимизнинг самаралари, халқимиз тийнатида буюк яратувчилик ва бунёдкорлик руҳи кундан-кун яққол намоён бўлаётгани — барча-барчасининг замирида Асосий қомусимизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар турганини бугун ҳар бир юртдошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Юртбошимиз инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотларимиз жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувига, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини қайд этар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда анъана тусига кирган — ҳар бир йилни маълум бир ном билан аташ амалиётига содиқ қолган ҳолда, 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай ибратли ишлар, биринчи навбатда, юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий аҳамиятга эгадир.

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури замирида жамиятимизда инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси — ҳомийликнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини теран тарғиб этиш, саховатли ва беғараз ҳомийларни рағбатлантириш, фидойи ва юксак фазилатли инсонларни қадрлаш ғоялари ўз мужассамини топди. Дастур асосида амалга ошираётган барча эзгу саъй-ҳаракатларимиз халқимиз ҳаётини янада яхшилашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилаётир.**

Жорий йилда халқимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат, савоб, ҳиммат каби фазилатларни янада ривожлантириш, ҳомийлик ҳаракатини кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришга оид масалалар доимий эътиборда турди. Кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди ва қўшимча иш жойлари ташкил этилди. Қишлоқ жойларда касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаяпти. Уй шароитида чорва билан шуғулланаётган юртдошларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Эҳтиёжманд кишиларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган даврда наинки инсонлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган шифокорларнинг, айни чоғда, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам шарафли ва масъулиятли меҳнатини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, умуман, аҳолининг реал даромадларини ошириш, иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш каби ижтимоий-иқтисодий йўналишда муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб эзгу ишлар бажарилди.

Йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган ва амалга оширилаётган эзгу ва саховатли ишлар «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўзининг эзгу ишлари билан ўрнак кўрсатган бағрикенг, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун қарз ва фарз эканини таъкидлади.

Президентимиз Иолом Каримов кириб келаётган янги — 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

**ЎзА**


O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05;
Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

*Хизматлар лицензияланган*


**10 декабр — Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси қабул қилинган кун**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

**Абдулла ОРИПОВ сўзи,**
**Мутал БУРХОНОВ мусиқаси**

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:
Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:
Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

**8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

## БАХТИМ ҚОМУСИ

Сенинг битик йўлинг курашдир йироқ,
Бир бобинг Тўмарис кўтарган чироқ,
Ёзди бир бобингни қон билан Широқ,
Эй, менинг ўзлигим — ғурур, номусим,
Конституциям — олий қомусим.

Сенинг манзилингни кўзлаган карвон,
Ғазнавий, Темурий, Бобурий даврон,
У карвон бошида Навоий сарбон,
Эй, менинг ўзлигим — ғурур, номусим,
Конституциям — олий қомусим.

Сен адл аҳлининг олмос пичоғи,
Фитрат фидо бўлган Ҳақнинг ўчоғи,
Қодирий етмаган Кумуш қучоғи,
Эй, менинг ўзлигим — ғурур, номусим,
Конституциям — олий қомусим.

Келдинг йигирманчи аср сўнггида,
Улуғ истиқлолнинг қутлуғ тонгида,
Порладинг жаҳоннинг кўзи ўнгида,
Эй, менинг ўзлигим — ғурур, номусим,
Конституциям — олий қомусим.

Тенгларнинг ичида бугун тенг ўзим,
Жаҳоний тўнларга ёқа, енг ўзим,
Дунёлар бағримда, бағри кенг ўзим,
Эй, менинг ўзлигим — ғурур, номусим,
Конституциям — олий қомусим.

**Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ**

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Озод ва фаровон юрт, эркин ва бахтиёр халққа улуғвор байрамлар ярашади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.***

***Оқсарой қароргоҳида 7 декабр куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.***

— Аввало, бугун Конституциямизнинг қутлуғ байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман, — деди Президентимиз. — Айнан шу кунларда, яъни йилимиз якунига етиб бораётган дамларда ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида, жамиятимизнинг турли жабҳаларида амалга оширган ишларимиз, уларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапириш ўринли ва табиий, деб ўйлайман.

Юртимизнинг тараққиёт йўлида эришган марралар ва ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, буларнинг барчасини аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига, халқимизнинг пешона тери билан қўлга киритганимизни ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўйлайманки, мана шу залда тўпланган эл-юртимизнинг муносиб фарзандлари — ким қайси касб вакили бўлмасин, ким қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар, умри тинимсиз меҳнат ва изланишда ўтиб келаётган сиз, азизлар бу ҳақиқатни яхши биласиз, англайсиз, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

— Минглаб ватандошларимиз қаторида мамлакатимиз равнақи, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, санъат ва таълим соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, бир сўз билан айтсак, эркин ва обод келажагимиз йўлида сиз, муҳтарам юртдошларимизнинг қилаётган фидокорона меҳнатингиз ҳар қандай таҳсинга сазовор.

Бугун ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштироки билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сизлар каби инсонларга давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотларини топшириш мен учун чиндан ҳам катта шараф десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Аввало, Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий қудратини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз — машҳур тиббиёт олимаси, академик Малика Абдуллахўжаевани, Ўзбекистон халқ устаси, ноёб истеъдод соҳиби Абдуғани Абдуллаевни, моҳир педагог Саме Саматовни, темир йўл қурувчиси Баҳодир Илёсов ва хоразмлик заҳматкаш деҳқон, фермер Гулмат Ҳайитметовни энг олий мукофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан ўз номимдан, халқимиз номидан муборакбод этиш менга чуқур мамнуният етказади, — деди Юртбошимиз.

**Давоми иккинчи бетда.**

## САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ нимани кўрсатди?

***Шу йилнинг ноябр ойи бошларида Америка Қўшма Штатларида парламент ва ижроия ҳокимиятларига сайлов бўлиб ўтди. Тўрт йиллик президентлик муддатининг ўртасида ўтказиладиган бу сайловлар ҳар гал Оқ уй соҳиби ва унинг маъмурияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга баҳо беради, баъзан Конгресс устидан назоратни у ёки бу партия фойдасига ўзгартириб ҳам юборади.***

*Муҳаррир минбари*

Бу гал айни шундай бўлди. Сайлов якунларига кўра, демократлар кўпчилик овоз билан Конгресснинг ҳар икки палатасини ўз назоратларига олдилар. Президент Бушнинг жўшқин сайловолди фаолияти кутилган самарани бермади. Бунинг устига, республикачилар ўзлари ҳамиша ғалаба қозониб келаётган Нью-Йорк, Массачусетс, Оҳайо, Колорадо, Арканзас ва Мэрилэнд штатларида губернаторлик сайловини ҳам ютқаздилар. Жанубий Дакота штатининг Жеролд округи маъмурияти сайловида эса бир қарашда кулгили, аммо мисли кўрилмаган воқеа юз берди. Бу ерда маъмурият раҳбари лавозимига номзодини қўйган демократлар партияси вакили Мари Штейчен сайловдан бироз муддат аввал бу ёруғ оламни тарк этган экан. Аммо, тасодифми ё бошқа бир сабабми, унинг номи сайлов бюллетенидан ўчирилмабди. Натижада марҳума номзод республикачилар партияси вакилига нисбатан кўп овоз тўплаб, ғолиб бўлди. Кузатувчилар бу воқеани Американинг ўзида "демократларнинг ўлиги ҳам республикачиларнинг тиригидан устун келди", деб шарҳлашди.

Сайлов натижаси, шубҳасиз, Буш маъмуриятининг кайфиятини тушириб юборди. Аммо асосий зарбалар ҳали олдинда экан. Мамлакат президенти сайлов якунларига доир чиқиш қилар экан, ўзининг энг яқин маслакдоши, Ироқ урушининг ташкилотчиларидан бири — Пентагон раҳбари Дональд Рамсфельднинг истеъфога чиққанлигини оғир хўрсиниш билан эълон қилди. Қизиғи шундаки, бундан бир неча кун аввал, Буш жаноблари айни шу истеъфо ҳақидаги миш-мишларни рад этиб, Рамсфельд ўз лавозимида яна узоқ вақт қолишини айтган эди. Ироқда олиб борилаётган мавҳум ва адоқсиз уруш, сайлов якунлари ва яна — нафақат дунёда, мамлакат ичкарисида ҳам АҚШнинг ташқи сиёсат йўлига нисбатан билдирилаётган танқидий фикрлар Рамсфельднинг бундай қарорга келишига асос бўлгани сир эмас. Куни кеча АҚШнинг БМТдаги доимий вакили, Ироқ ва Эронга нисбатан муносабатларда фавқулодда "қатъият" кўрсатиб келаётган Болтон ҳам истеъфо аризасига имзо чекди.

Сайлов натижаларига кўра мамлакат тарихида биринчи бор вакиллар палатаси раҳбари лавозимини эгаллаган аёл — Нэнси Пелоси ўз партиясининг ғалабасига ишонган ҳолда "Бордию Конгресс учун курашда ғалабага эришсак, демократик фракция Буш маъмурияти олиб бораётган ташқи сиёсат йўлини ислоҳ қилишга доир жиддий ташаббуслар билан чиқади", дея баёнот берган эди. Кузатувчилар Нэнси хоним бу сўзларни беҳудага айтмаганини таъкидламоқда. Бу ҳол Болтонни бироз чўчитиб юборган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу дунёда иши юришиб, гапи гап, сўзи сўз бўлиб турган одамга ҳамма нарса ярашади. Бундай одам қулочини кенг ёзади, даврани катта олади, бирор жойда баҳс-мунозара туғилиб қолса, фикрини, албатта, ўтказади. Кучлиларнинг атрофида хайрихоҳлар кўп бўлади. Бу бор гап. Аммо, ҳаёт деганлари ҳамиша ҳам бир маромда кечмайди. Бу оламда яшамоқлик тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандоқ киши, иши юришган ҳам, юришмаган ҳам ўзига, сўзига, қилаётган амалларига гоҳо танқидий кўз билан бир қараб олиши, ўзини озроқ тафтишдан ўтказиши, яъниким янглишган жойлари бўлса уларни такрорламаслик тадбирларини белгилаши зарур. Бундай тафтиш дунё дунё бўлганидан бери ҳеч кимга зарар келтирмаган. Отдан тушса ҳам эгарни қучоқлаб, ўзининг шундоққина кўриниб турган хатолари қолиб, ўзгаларнинг чорбоғидан алаф излашга берилиб кетган киши эса, ҳурмат билан айтганда, хижолатга қолади.

АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг "Диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" рўйхатига киритилиши менда шундай таассурот қолдирди. Бу хабар қулоғимга гўё кимдир "Ўзбеклар пахта етиштиришни билмайди, фарзанд кўришга, меҳмондорчиликка уқуви йўқ", деяётгандай кулгили эшитилди. Давлат департаменти, шубҳасиз, нуфузли идора, аммо камчилик ахтариш учун ҳам озроқ малака керак бўлади. Ўзбекистонда камчилик йўқ, ҳамма муаммолар тўла-тўкис ҳал бўлган деб ҳеч ким айтаётгани йўқ. Катта-кичик йиғинларда эришилаётган ютуқлар қаторида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар рўй-рост айтилмоқда. Ишончни оқламаган, оёғи ердан узилган раҳбарлар, ишни барбод қилган мутасаддилар кескин танқид қилинмоқда. Бу тўғрида ҳар қанча гапириш мумкин. Аммо мамлакатимизда диний эътиқод эркинлиги шубҳа остида эканлиги қуракда турмайдиган гап.

Бундан бир мунча вақт аввал америкалик бир олим дабдурустдан "Ўзбекистондаги баъзи газеталар Ислом Каримов сиёсатини қўллаб-қувватламоқда, бу сотқинликнинг нақд ўзгинаси", деган чинқириқ билан чиққанида, домлани баъзи хом, пишмаган, балки биз томонлардан бориб қолган ношуд шогирдлари адаштирган бўлса керак», деган фикрни билдирган эдик. Хўш, давлат департаментини ким чалғитиши мумкин? Шундай деб турганимизда матбуотда халқаро масалалар бўйича шарҳловчи Геннадий Чародеевнинг қуйидаги фикри эълон қилинди. Эътибор беринг: "АҚШда ўнлаб ва юзлаб таҳлил марказлари, тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган жамғармалар мавжудки, уларда Ўзбекистонда бирон марта ҳам бўлмаган, мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини билмайдиган кишилар ишлашади. Улар узоқ йиллар аввал ватанидан қочиб кетган, кўпдан бери ҳеч қандай алоқага эга бўлмаган, реал вазиятдан мутлақо бехабар бўлган "арбоблар" билан мулоқотда бўлишади. Айнан ўшаларнинг "холис фикрлари" ва "шарҳлари" эса кўплаб жамғарма ва тадқиқот марказлари учун материал сифатида хизмат қилади. Жамғарма ва марказлар Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ аниқ реалликларни билишмайди ва билишни хоҳлашмайди, уларни шунчаки тўқиб чиқаришади".

Чикаго университетининг дин тарихи бўйича профессори Патрик Хатчернинг фикрича, давлат департаменти ҳужжатларини баъзан ўзлари кўрмаган, билмаган мамлакатлар ҳақида оддий амалдорлар ёзишини назарда тутиш керак. Шиллер номидаги институтнинг етакчи мутахассиси Франк Хаан мана бундай дейди: "АҚШ ўзининг мазкур рўйхатига Ўзбекистонни киритиши Марказий Осиёдаги бу мамлакатни обрўсизлантириш истагидан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас".

**Давоми иккинчи бетда.**

Эътибор ОХУНОВА

# БИР УМР ИШҚИНГ ЮРАКДА



Эй диёр, сен-ла дилимда
олам ғурурдир, ўргилай,
Гул поёндозингда юрмак
орзуси мўлдир, ўргилай.

Сен менинг дури нобимсан,
равзаи эрам яна,
Сен менга анвор, дилимни
шодликка тўлдир, ўргилай.

Бу қалам васфингдадир,
сен билан султон бу дил,
Бир умр ишқинг юракда хушдир,
сурурдир, ўргилай.

Кун ботар, эзгу хаёлин
аллалар озурда жон,
Тонг отар, ашъори нурдир,
ашъори гулдир, ўргилай.

Марҳабо янги замонам,
марҳабо нури жаҳон,
Бу кўнгил орзулар ичра
гулу-гундир, ўргилай.

Ҳар саҳар васфингда қўлга гар
тутар бўлсам қалам,
Дил деган: беҳишт диёринг
ашъорга тўлдир, ўргилай.

## МАВСУМ

Табиат тандирига олов қалайди,
Лаҳча чўғи қирмизи анорларда.
Ишкомларга шода-шода дурлар қадайди,
Жавзо мусаввирдек кезар боғларда.

Беҳиларга тортар тилло сувини,
Олмалар юзида анвор, шуъла ранг.
Ҳосил мўл...
тирговичб билан анжир бувининг
Майишган қаддини тикладик аранг.

Боғ ичида анқир муаттар бир бўй...
Ёқутланмиш, лаълиланмиш шафтоли.

Табиат бошлабди дейман катта тўй,
Саватлар тўла нок, нашвати, олу.

Полизга ястанмиш ўзгача олам...
Боласин аллалаб ётар палаклар.
Эй сахий тупроғим, мунисим онам,
Бағрингдаги ҳосил тонналарни дараклар.

Чаманларга ўтдим, ё раб, гул денгизи,
Чайқалиб ётибди ёғдуларга тўлиб.
Она табиатим, ўктам, тенгсизим,
Турибман қошингда маҳлиё бўлиб.

Ҳосиллар мўлдир-ки, наволанар карнай,
Ғаллазор томондан эшитилар ялла.
Еру кўк дон бўлгач, қамишлар ҳам най,
Деҳқон шод, хирмонда ноғорасин чалар.

Чуғурчуқлар тўяр, чумолилар тўяр,
Тўйиб бол эмади чумчуқ, арилар.
Табиат шундайин ташхис қўяди,
Бу юртда яшариб кетар қарилар.

## ҚАЛАМ СОҲИБИНИНГ ҲАЁТИ

Шоир...
Сўзлар дарёсида оқади,
Бахти ҳам, дарди ҳам,
Сатрлари ичра маҳзун боқади.
Уйқусиз, ярим кечаларда,
Қамчинлайди уни бир нима,
Дили — туғёнларнинг денгизида
Қалқиб кеттан беозор кетма...
Бирдан чақин қилич урар,
Олов ёқар томирларига.
Ёстиғи — харсанг тош,
Тўшаги — қўрғошин,
Тикон ботар ён-верларига.
Тун ўтади, ўткир найзалардай
Вужудига санчилиб.
Ҳорғин нигоҳлари карахт
Хаёллари сочилиб.
Тонг отади...
Руҳи синиқ шиша каби ғижирлар,
Унинг ҳузурида қоғозда недир
Беҳолгина пичирлар.
Бир кеча, ўн кеча, минг кечалар етмас
Баъзан миқтигина бир шеърга.
Шоир замин юкин ортиб яшар шу бир —
Қатрагина бир шеърга — сеҳрга
Ва шу бир тутамгина умрга.

## ШУНҚОРЛАРИМ

*Набираларимга*

Кўнглим тоғ... қоясида
тўрт жайрон ўлтирибди.
Дилимнинг гунг саҳросин
тўрт бийрон тўлдирибди.
Умримнинг баҳорида
гул очмиш тўрт бойчечак,
Умидларим боғида
тўрт чинор қулф урибди.

Чархи кажрав айланур...
гўдаклар шунқор бўлгай,
Шунқорларим остида
йўртгани тулпор бўлгай.
Юртим обод, жоним соғ,
дориломонлик муродим,
Дарё бўлгай жилғалар,
қирлар — кўҳинор бўлгай.

Шунқорларим-ла енгай
Бестун ғамларини,
Келин қилай қизларнинг
сулув там-тамларини.
Тўй тузатай гул алвон
тўшалган боғларимда,
Бошларидан сепай гул
жаннат зам-замларини.

Селу себор ғамларим оқизай дарёларга,
Тўрт султоним тавсифин
сўзлайин дунёларга,
Улар менинг — ашъорим,
улар менинг — анворим,
Ёзсам еру само ҳам тўлгайдир иншоларга.

Кўнглимнинг самосида
тўрт Суҳайл кўринар,
Менинг ялдо кунларим ёритувчи нур улар,
Қайда бўлса — чўл-ёбон,
тоғу тошу баҳру бар,
Кўксида ғам кўрмайин,
қўлларида Зулфиқор.

Даҳри дунёнинг шитоб
дамларига бастма-баст,
Улғаюрлар... мен алар
севгиси бирла аласт.
Бир илтижом тангридан,
ҳаётдан бир тилагим —
Тўрт шунқорим элимнинг
юрагида бўлса бас.

---

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

# БАХТНИНГ УМРИ



## ХАЁЛ

*Хаёлнинг отида Ойга бораман,*
*Қушлар етолмаган жойга бораман.*
*Сал ўтмай, барибир, қулаб тушгайман —*
*Ушоқча дард билан қайга бораман?!*

## СУЮНЧИ

*Осмонда йиғлаб келдим —*
*Дардларим майса бўлди.*
*Ерда битта бўлса ҳам*
*Бахтсиз камайса бўлди.*

*Гарчи йиғлаб ҳам кеча*
*Тунларимни қон қилдим,*
*Тонгда гулдан тошгача*
*Табассум эҳсон қилдим.*

*Азобларинг — муҳтарам,*
*Мен дардингга харидор.*
*Товонимни ўпса ҳам,*
*Тиканларнинг ҳаққи бор.*

*Юрагимни уйғотган*
*Ғамларингга минг шукур.*

*Гардларимни йўқотган*
*Дардларингга ташаккур!*

*Энди Сенда парвойим,*
*Дунёни ютиб кетдим.*
*Суюнчи бер, Худойим,*
*Ўзимдан ўтиб кетдим.*

## ХУЛОСА

*Ҳали тонг келади тунларни отиб,*
*Ўлимни кузатиб қўяй юртига.*
*Бугунимга нима ёзгансан, Котиб,*
*Кимнинг юрагига борай эртага?*

*Йиллар ғалвирида қанча эландим,*
*Босиб кетаверди қорлар изимни.*
*Томирларимгача ишққа уландим,*
*Юрагимга сургун қилдим ўзимни.*

*Ҳали еллар билан чопса бўлади,*
*Узайтириш мумкин Бахтнинг умрини.*
*Ҳаётнинг кўнглини топса бўлади,*
*Кутиб ўтирмайман Вақтнинг амрини.*

*Ажал ҳам зерикди, шекилли, роса,*
*Энди чақирмасам, қайтиб келмайди.*
*Милёнта дардимдан битта хулоса:*
*Ўлиб кўрмай туриб яшаб бўлмайди.*

* * *

*Кўзингдаги селларингни қуритаман,*
*Ғамларингнинг тиши сингай — қаритаман.*
*Зарраман-у, тафтим мингта қуёшга тенг,*
*Шам бўлсам ҳам йўлларингни ёритаман.*

*Ҳаётингни хаёлимга ўраб тургин,*
*Совиб қолсанг, чўғларимдан сўраб тургин.*
*Фақат ўзинг ўчишимга қўйма мени —*
*Фақат ўзинг кўзларимга қараб тургин.*

## МЕНДАН ЯХШИ ЁМОН ЙЎҚ

*Кўнглингизнинг кўшкини*
*ёполмайсиз, барибир,*
*Мендан яхши ёмонни*
*тополмайсиз, барибир.*

*Мингта булбул нағмаси*
*битта изҳоримча йўқ,*
*Дунёларнинг роҳати*
*зарра озоримча йўқ.*

*Кўзингизга ўт ёқар*
*кўкка чизиб расмимни,*
*Инилларим — юлдузлар*
*эслатади исмимни.*

*Кейин нима қиласиз,*
*ҳаволар ҳам ёқмайди,*
*Оворалар бўлибсиз,*
*менсиз Қуёш чиқмайди.*

*Изингизга гул отган*
*дунёларнинг кўнгли кир,*
*Мендан яхши ёмонни*
*тополмайсиз, барибир...*

## САВОЛ

*Кўзингизда турган дардми, армонми,*
*Севилиш осонми, севиш осонми?*
*Сизсиз яшолмайман, деб чарчамайсиз,*
*Жоним, ҳаётингиз шунча арзонми?!*

* * *

*Ялинчоқ эмасман, кибриммикан бу?*
*Ўзимнинг ўзимга жабриммикан бу?*
*Яшашим мумкин-ку жонимни сийлаб,*
*Тош тишлаб юрибман, сабриммикан бу?!*

---

# МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида ажойиб бир маҳалла бор. Ажойиблиги шундаки, бу ерда маҳалладош ижодкорлар, жумладан шоир ва ёзувчиларнинг ҳурматини жойига қўйишади, улар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туришади. Қалам соҳиблари ҳам қараб туришмайди. Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада кутубхона ташкил этиб, кўплаб китоблар совға қилган.

Конституция байрами арафасида "Конституция" номи билан аталувчи ана шу маҳаллада яна бир тадбир бўлиб ўтди. Маҳалла фаоллари, меҳмонлар шоир Рамз Бобожонни қутлуғ 85 ёши билан муборакбод этдилар. Шоир ижодининг кўплаб мухлислари, шогирдлар, жамоатчилик вакиллари кекса адибимизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тиладилар.

— Маҳалла — бу менинг Ватаним, — дейди шоир, — шу қутлуғ масканда узоқ йиллардан бери истиқомат қиламан. Маҳалладошларим билан ҳамиша фахрланиб келаман. Жуда кўп шеърларим шу маҳалладошларим меҳри туфайли қоғозга тушган.

Учрашувда Рамз Бобожон мустақиллик йилларида Ватан, маҳалла, меҳр-оқибат, дўстлик мавзуларида ёзган туркум шеърларидан намуналар ўқиб берди.

**Ўз ахборотимиз.**



ЧАНҚОВУЗЧИЛАР...

# «КАМОЛОТ» ТАШАББУСИ БИЛАН

**Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 104-ўрта мактабда байрам тадбири бўлиб ўтди. Мактаб директори А.Каримова, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси В.Валиева ҳамда мактаб "Камолот" ЁИҲ етакчилари ташаббуси билан уюштирилган беллашувда битирувчи синфларнинг ўқувчилари ҳуқуқшунослик бўйича савол-жавобларда қатнашдилар. Бош Қомусимиз моддаларини ёд айтувчи ўқувчиларнинг чиқишлари, бадиий-мусиқий саҳналар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.**

---

*Жаҳон адабиёти дурдоналари*

Йоҳанн Петер ЭККЕРМАНН

# ГЁТЕ БИЛАН СУҲБАТЛАР

**Йоҳанн Петер Эккерман (1792 — 1854) 1923 йил июнда илк бора машҳур шоир, Заксен-Ваймар ҳерцоглиги бош вазири Йоҳанн Волфганг Гётенинг хонадонига ташриф буюради. Эккерман бунгача буюк ижодкорлар ижодидан кўплаб мисоллар келтирилган "Шеърият ҳақида мулоҳазалар" китобини Гётега юборган эди. Китоб шоирга жуда маъқул бўлади ва у Эккерманни ёнига чақиртириб олади. Шу тахлит уларнинг ижодий ҳамкорлиги бошланади.**

**Эккерманнинг немис адабиёти тарихидаги хизматлари фақат Гёте асарларини жамлаш ва нашрга тайёрлаш билан чекланмайди. Унинг жаҳон адабиёти ва маданияти олдидаги улуғ хизмати "Гёте билан суҳбатлар" асаридир. Асарда шоир ҳаёт, унинг адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, дин, меъморчилик, шеърият, табиат ва табиатшунослик тўғрисидаги қарашлари, ранглар ҳақидаги таълимоти ва бошқа жуда кўп маълумотлар баён этилган.**

**Қуйида Фридрих Нитше "Немис тилидаги китобларнинг энг аълоси", деб таърифлаган шу асардан парча берилмоқда.**



***Йена, пайшанба, 1823 йил 18 сентябр.***

*Кеча эрталаб Гётенинг Ваймарга жўнаб кетиши олдидан у билан яна бир соатча ўтириш бахтига муяссар бўлдим. У менинг бутун ҳаётимга самарали таъсир кўрсатди, мен учун бебаҳо бўлган қимматли сўзларни айтди. Германиядаги барча ёш шоирлар буни билишлари лозим, бу сўзлар улар учун ҳам беҳад фойдалидир. У сўзини, бу йил ёзда мен шеър ёздимми-йўқми, шуни билишдан бошлади. Мен бир нечта шеър ёзганимни, аммо улар устида унчалик илҳом билан ишламаганимни айтдим.*

— Катта ишларга уринишдан эҳтиёт бўлинг, — деди у шунда, — кўплаб зўр шоирларимиз, айни ўша истеъдодли ва интилувчанлари ҳам шу касалга йўлиқишган. Ўзим ҳам шундай эдим, кўп нарсани йўқотдим. Қанча ёзганларим бекор кетди! Қўлимдан келадиган нарсаларни ёзганимда эди, яратган асарларим юз жилддан ошиб кетарди.

Ҳозирги давр ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўртага қўяди; шоир қалбида ҳар куни туғиладиган фикрлару ҳис-туйғулар сўзсиз қоғозга тушишни хоҳлайди ва шундай бўлиши керак ҳам. Агар сен каттароқ асарни мўлжаллаган бўлсанг, унда унинг ёнидан ҳеч нарса ўсиб чиқмайди, у сенинг барча фикрларингни ортга чекинтиради ва ўзинг ҳам ҳаётдаги барча хушёқар нарсалардан мосуво бўласан. Йирик нарсани маълум бир қолипга солиш, тартибга келтириш учун қанча ғайрат, руҳий куч-қувват сарфлаш, миянгдаги фикрларингни бир маромда рисоладагидек ифода этиш учун қанчалар куч, тинч-хотиржам шарт-шароит зарур бўлади. Борди-ю, сен муҳим жойида хатога йўл қўйсанг, ҳаммаси чиппакка чиқади; ўша каттадан-катта асарингнинг маълум ўринларида мавжуд материалдан керагича фойдалана билмасанг, унда асарингнинг у ёки бу жойида нуқсонлар юзага келади ва бунинг учун сени танқид қилишади; ана ўшанда шоирнинг тер тўкиб қилган бутун меҳнати эвазига мукофот ва қувонч ўрнига тинкаси қуриб, ҳафсаласи пир бўлгани қолади. Аксинча, шоир ҳар кун туғилган фикрини ҳар кун миясида пишитиб, янгилигида қоғозга туширaверса, ўшанда ҳар гал эзгу бир нарса яратган бўлади, бирор-бир ёзгани яхши чиқмаса ҳам, ҳеч қиси йўқ.

Мисол учун кёнигсберглик Август Ҳагенни олайлик — ажойиб истеъдод эгаси; унинг «Олфрид ва Лизена»сини ўқигандирсиз? Шунақа жойлари борки, қойил қолмай илож йўқ; Болтиқ бўйидаги ҳаёт, у ернинг табиати шунақа зўр тасвирланган. Булар айрим ўринлар холос, бутун асар эса, ҳеч кимни тўлқинлантирмайди. Ахир, буни ёзгунча озмунча куч-қувват, меҳнат сарфланганми! Ўшани ёзгунча у адойи-тамом бўлди ҳисоби. Энди у бир фожеа ёзибти.

*Шундай деб Гёте жилмайиб қўйдида, бир зум жим қолди. Бундан фойдаланиб мен сўз қотдим ва адашмасам: «Сиз «Санъат ва тарих» журналида Ҳагенга, фақат майда сюжетлар устида ишлашни маслаҳат бергандингиз», дедим.*

— Шундай дегандиму, — жавоб қилди Гёте, — лекин ким ҳам биз кексаларнинг айтганини қилади? Ҳар қайси нима қилишни ўзим яхшироқ биламан, деб ўйлайди, шу йўлда айримлари нобуд бўлишади, бошқалари йўл тополмай қийналишади. Аммо ҳозир адашишнинг пайти эмас, биз кексалар буни бошимиздан ўтказдик, агар сиз ёшлар тағин шу йўлдан борсанглар, бизларнинг адашишу изланишларимиздан нима фойда? Бу ҳолда олдинга силжиб бўлмайди! Хатоларимизни биз кексаларнинг юзига солиш керакмас, негаки биз тайёр йўлдан бормадик; бироқ кейинроқ дунёга келганлардан талаб бошқача бўлади, уларнинг адашишга ва йўл излашга ҳақлари йўқ, балки кексаларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, тўғри йўлдан боришлари лозим. Мақсадга томон қадам ташлашнинг ўзигина етарли эмас, ҳар бир ташланган қадамнинг ўзи мақсад бўлмоғи ва яна олдга қадам ташланмоғи керак.

Бу сўзларнинг мағзини чақиб кўринг, ўйланг, улардан қайсилари сизга асқотиши мумкин. Тўғрисини айтганда, Сизнинг ҳаракатингиздан ташвишланмайман, бироқ менинг маслаҳатларим Сизнинг ҳозирги ҳолатингизга тўғри келмайдиган босқичдан тезроқ чиқиб кетишингизга кўмак берса, дейман. Маълум муддатгача майда сюжетлар устида ишлаб юринг, айни дақиқалар Сизга ҳозирлаётган туйғуларни пешма-пеш қоғозга туширинг, шу тариқа бирор-бир эзгу ишни амалга оширасиз ва ҳар бир кунингиз Сизга қувонч олиб келади. Шеърларингизни дастлаб газета-журналларга беринг; бировларнинг талабларига эмас, балки ўз қалбингизга қулоқ тутинг.

Олам шу қадар кенг, шу қадар бой, ҳаёт шу қадар ранг-барангки, шеър учун мавзу ҳамиша топилади. Бироқ бу шеърлар, албатта, бирор ҳаётий воқеага бағишланиши лозим, сабаб ва мавзуни борлиқнинг ўзи бериши керак. Айрим ҳолатларнинг жозибадорлиги ва омма қалбига етиб боришининг сабаби, у ҳақда ***шоир*** сўз очганида. Менинг барча шеърларим бирон-бир воқеа муносабати билан ёзилган, улардан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Ҳаводан олиб ёзилган шеърларни мен шеър деб ҳисобламайман.

Ҳаётнинг жозибали томонлари йўқ, дейиш тўғри эмас. Ахир, шоирнинг истеъдоди шундаки, у оддий нарсанинг ҳам гўзал жиҳатини илғашга қодир бўлмоғи зарур. Керакли мавзуни, тилга олиниши лозим бўлган жиҳатларни, шеър мағзини шоирга ҳаёт беради; шуларнинг барчасидан оҳангдор, нафис бир бутунликни яратиш, энди, шоирнинг вазифаси. Сиз Форнштайнни, «табиат куйчиси» деб ном олган шоирни биласиз-ку. У хмелчилар ҳақида шеър ёзипти, шеър бундан зўр бўлмайди. Мен унга ҳунармандлар, биринчи навбатда, тўқувчилар ҳақида қўшиқ ёзишни маслаҳат бердим. Ишончим комилки, у бунинг уддасидан бемалол чиқади, негаки, бутун ёшлик йилларини у шундай одамлар орасида ўтказган, уларнинг турмуш тарзини беш қўлидай билади, бинобарин, материал устида ишлашда ҳам қийналмайди. Майда сюжетларнинг афзаллиги ҳам айни мана шунда-да, шоир ўзи уддасидан чиқа оладиган материални танлашни истайди, шундайини танлайди ҳам. Йирик шеърий асарда эса, иш бошқача кечади: унда бирон нарсани тушириб қолдириб бўлмайди, асардаги воқеаларни бир-бирига боғлайдиган, асар ғоясига тегишли бўлган ҳамма нарса ўта ҳаққонийлик билан тасвир этилиши керак. Ёшликда нарсалар ҳақидаги билим бир томонлама бўлади, йирик асар кўп томонлама билимни талаб қилади, шоир худди мана шу ерда оқсайди.

*Мен Гётега йил фасллари ҳақида достон ёзиш, унда турли табақа вакилларининг машғулотлари ва хурсандчиликларини тасвирлаш ниятида эканимни айтдим.*

— Мана шуни айтдим-да, — деди бунга жавобан Гёте, — эҳтимол, кўп нарсалар қўлингиздан келар, аммо ҳали Сиз етарлича билиб олмаган, мағзини чақолмаган айрим жиҳатларда оқсаб қолишингиз мумкин. Масалан, балиқчини маромида тасвирдарсиз-у, овчининг тасвири чиқмай қолар. Борди-ю бутун асарда нимадир яхши чиқмай қолса, бу бутун асар муваффақиятсиз чиқди, дегани бўлади. Айрим ўринлар яхши чиққани билан, барибир, етук асар ёздим, деб айтолмайсиз. Кучингиз етадиган ўша алоҳида ўринларни тасаввурингизда мустақил бир ҳолатда жонлантиришга уриниб кўринг-да ёзинг, ишонаманки, гўзал бир асар чиқади. Айниқса, огоҳлантириб айтайки, ***ўзингизнинг*** чексиз хаёлларингиз кетидан эргашинг: бу ҳар бир нарсага нисбатан аниқ нуқтаи назарни талаб қилади, ёшликда бундай нуқтаи назар ҳали пишиб етилмаган бўлади. Кейин: асардаги образлар ўз дунёқарашлари билан шоирга боғлиқ бўлмаган бир тарзда ҳаёт кечира бошлайдилар ва унинг кейинги ижоди учун керак бўладиган руҳий бойлигини ўғирлайдилар. Ва ниҳоят: узуқ-юлуқ қисмларнинг маъносини жойига келтириб бир-бирига боғлаш, тартибга келтириш учун қанча вақт сарфланади, агар киши ўз ишини қойиллатиб бажарганида ҳам, ҳеч ким, ўҳ-ҳў, қойил иш бўлибди, демайди. Тайёр сюжет бўлса, иш хийла осон кўчади. Бу ерда факт ва характерлар тайёр, шоир буларни бадиий қолипга солса бўлди. Бунинг устига у ўз руҳий бойлигини ҳам асрайди, кучини ҳам кўп сарфламайди; бунда вақт ҳам, куч-қувват ҳам кам сарфланади, чунки у тайёр материални маълум шаклга солади, холос. Яна бир гап: мен олдин ишланган сюжетларга мурожаат қилишни маслаҳат бераман. Ифигения тимсолига неча марталаб қўл урилган, аммо улар ҳар хил; негаки, ҳар бир ижодкор мавзуга ўз назари билан, ўзига хос услуб билан ёндашади. Ҳозирча улкан мавзуларни бир четга қўятуринг. Сиз жуда қийин йўлни босиб келдингиз, энди ҳаёт қувончларини ҳам татиб кўринг, бунинг энг яхши воситаси — майда сюжетлар устида ишлаш.

*Суҳбат давомида биз унинг хонасида у ёқдан бу ёққа юриб турдик; мен унинг гапларини фақат маъқуллардим, негаки унинг ҳақлигини бор вужудим билан ҳис этардим. Ҳар қадам ташлаганимда ўзимни янада енгилроқ, қувноқроқ сезардим, зеро, ростини айтсам, турли-туман, ҳали ўзим ҳам мағзини чақиб улгурмаган, катта кўламдаги режалар елкамдан тошдек босиб турарди. Ҳозир эса, уларни елкамдан ирғитиб ташладим...*

*Гётенинг сўзларидан ўзимни худди бир неча йил олдинга ўтиб кетгандек, ақллироқ бўлгандек ҳис этдим, ҳақиқий ижодкор билан учрашиш нечоғли бахт эканлигини бутун қалбим билан англаб етдим. Бунинг фойдасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди...*

**Сешанба, 1823 йил 21 октябр.**

*Кечқурун Гётеникида бўлдим. Биз «Пандора» ҳақида гаплашдик. Мен, бу достонни тугалланган деса бўладими ёки унинг давоми борми, деб сўрадим. Давоми йўқ, негаки биринчи қисм жуда чўзилиб кетганидан иккинчи қисмни давом эттиришни лозим топмадим. Мана шу ёзилганини тугал бир асар деб ҳисобласа ва шу билан қаноатланса бўлади деди у.*

*Мен ушбу мураккаб достоннинг мағзини секин, жуда қийинчилик билан чаққанимни, уни қайта-қайта ўқийверганимдан ҳатто ёд бўлиб кетганини айтдим. Бунга жавобан Гёте кулимсираб деди:*

— Ишонаман, у ерда ҳамма нарса гўё **тилсимланган.**

*Мен унга, Шубартнинг мана шу достон ҳақидаги фикрларига қўшилмаслигимни айтдим. Унинг фикрича, «Вертер», «Фауст», «Вилҳелм Майстер», «Ҳамроз диллар» асарларида алоҳида тилга олинган нарса-ҳодисаларнинг бари гўё бу достонда жамланган, оқибатда достон беҳад оғир ва мураккаб бўлиб кетган эмиш.*

— Шубарт, — деди Гёте, — кўпинча жуда чуқур кетади; ўз ишига ўта пишиқ, баҳо беришда мўлжални тўғри олади.

*Уланд ҳақида сўз очдик.*

— Бадиий асарлар китобхонга зўр таъсир этганини кўрсам, — деди Гёте, — бу, албатта, бекорга эмас, деб ўйлайман. Уланд ҳам шу қадар оммалашиб кетган экан, демак, бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бўлиши керак. Унинг «Шеърлар»и ҳақида мен ўзим аниқ бир фикр айтолмайман. Тўпламини яхши умидлар билан қўлимга олгандим, бошиданоқ заиф, зерикарли шеърларга дуч келдим-да, нарёғини ўқишга ҳафсалам қолмади. Кейин унинг балладаларини ўқишга тутиндим, шунда билдимки, у чинданам истеъдодли ва машҳурлигиям бежиз эмас экан.

*Шундан кейин мен Гётедан немис фожеаларидаги шеърий шаклга оид фикрини сўрадим.*

— Германияда, — жавоб қилди у, — аниқ бир ечимга келиш қийин. Ҳар ким ўзи билганича, танлаган мавзусига қараб ўзича ёзаверади. Менимча, олти ҳижоли ямб энг муносиби эди-ю, аммо немис тили учун у хийла узунлик қилади; сифатлашларнинг етишмаслиги боис биз, одатда, беш ҳижолиси билан қаноатланиб қўя қоламиз. Инглиз тилида бир бўғинли сўзларнинг сероблигидан бу фикр инглизларга янаям кўпроқ тегишли.

*Кейин Гёте бир қанча мисга ўйилган гравюраларни кўрсатди-да, қадимги немис меъморчилиги хусусида гапирди ва кейин ҳам шунга ўхшаш асарларни менга кўрсатиш истагида эканини айтди.*

— Қадимги немис меъморчилиги намуналарида, — деди у, — инсон руҳиятининг фавқулодда ҳолати гуллаб яшнагани намоён бўлади. Бундай яшнашни беҳосдан кўриб қолган одам ҳайратга тушади, аммо ўсимликнинг ички, кўз илғамас ҳаётига назар ташлашга, ширанинг ҳаракати ҳамда гулнинг аста-секин ривожланиб боришини кўришга қодир бўлган киши эса, бу меъморчилик намунасига бошқача назар билан қарайди, ***нимани*** кўраётганини билади. Сизнинг шу қиш давомида санъатнинг мана шу соҳаси бўйича ҳам маълум даражада билимга эга бўлишингизга ўзим ғамхўрлик қиламан. Шунда ёзда Райн бўйига борганингизда Страсбург ва Кёлн соборларини чуқурроқ идрок этадиган бўласиз.

*Бундан қувонганимдан қалбимда унга нисбатан миннатдорчилик ҳиссини туйдим.*

**Немис тилидан**
**Янглиш ЭГАМОВА таржимаси**

**Конституция байрами арафасида кўксини юксак унвонлар, орден-медаллар безаган юртдошларимиз орасида таниқли актёр ва режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси бош режиссёри Жаббор Тошев ҳам бор. Ўз касбини севувчи, санъатимизнинг долзарб муаммолари ҳақида ҳамиша фидойиларча жон куйдирувчи актёр ва режиссёрнинг қалбида улуғ орзулар яшайди.**



### Жаббор ТОШЕВ:

# ТЕАТР ДОРУЛФУНУН БЎЛИШИ МУМКИН

Ижод йўлини оддий актёрликдан бошлаб, театрнинг бош режиссёри даражасигача бўлган пиллапояларни босиб ўтган санъаткор Раззоқ Ҳамроев, Карим Йўлдошев, Мансур Равшанов каби истеъдодли режиссёрларнинг маҳорат мактабидан баҳраманд бўлди. Ана шу баҳрамандлик унинг саҳнамизнинг жонкуяр намояндаларидан бири бўлиб етишишига замин яратди.

Яқинда 2700 йиллигини нишонлаган Қаршининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига туташ телерадиокомпания ҳовлисидаги юксак қарағайлар соя солган сўлим хиёбонни оҳиста кезиб, театр ва замон баҳсида сўзлашарканмиз, у бир гапни эринмасдан такрорларди: "Буюк асарни буюк истеъдодлар яратади. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам даврнинг буюк эҳтиёжлари вужудга келтиради". Мен "томошабинчи?" — деб луқма ташлайман.

— Тўғри, томошабинга ҳам кўп нарса боғлиқ, — дея ўй-фикрларини давом эттиради у. — Бироқ томошабин асосий нарсани ҳал қилмайди. Буюк асарлар яратилса, ўша даврнинг томошабини кўрмагани ё ўқимагани билан, албатта у кейинги даврларда ўз мухлисини топади. Бундай умрбоқий асарлар одамларни асрлар мобайнида ҳаяжонга солиши, саҳнадан тушмаслиги мумкин. Бироқ бугун биз томошабинни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўя олмаймиз. Унинг дидини бузадиган асарларга адабий жамоатчилик, театр ва санъаткорлар муҳити эътиборсиз бўлмаслиги керак. Театр ўз номи билан томошагоҳ. Бу даргоҳга келадиган одам, худди байрамга боргандек олдиндан тараддуд кўриб, ҳамма ташвишларини унутиб келсин. Томошабин ўзи ёки оиласи билан театрга руҳан ва маънан тайёр ҳолда борса, у аввало, дам олади. Театр ҳам бундай томошабинга бирор фикр ё туйғуни сингдириши мумкин. Шунга эришмоқ зарурки, театрга келган томошабин ўзига ниманидир олиб кетсин.

Бугун одамлар шиддатли ва тезкор даврда яшамоқда, ўтириб китоб ўқиш ёки театрга тараддуд кўриб келишга вақт ажратиши қийин кечади. Театр ҳам ана шу жараённи ҳисобга олиб иш тутиши керак. Нега халқимиз ҳинд киносини мириқиб томоша қилади? Гап ҳинд киносининг юксак маҳорат билан олингани, қўшиқлар ва чиройли манзараларга бойлигида эмас — ҳинд киноларида инсоний меҳр бор. Энг оғир тақдирлар, қалтис фожеавий муаммолар охирида яхшилик ва эзгулик билан тугайди. Шунинг учун ҳам одамлар ҳинд филмларини севадилар. Агар биз воқеликка ўз менталитетимиздан келиб чиқиб назар солсак, томошабинимизни жалб этадиган маънавий муаммолар озмунча эмас. Уларни фақат ҳозирги енгил-елпи киноларимиз сингари ўта жўн талқин этишдан тийилишимиз лозим. Театрларимизда комедия, соф драматик асарлар кўп. Саҳнамизда қўйилаётган асарлардаги ҳозирги муаммоларнинг кўпи эртага ўтиб кетади. Бироқ ўйлаб кўринг: "Тобутдан товуш"да Абдулла Қаҳҳор ҳам ўз даври учун типик бўлган муаммони қаламга олган эди. Лекин бу асар бугун ҳам яшаяпти-ку. У ҳамма давр учун ҳам замонавий асар ҳисобланади. Демак, бугун бўлиб, эртага ўтиб кетадиган маънавий муаммоларни ҳам инсониятга зарур умрбоқий асарларга айлантириш мумкин экан. Шекспирнинг ютуғи ҳам шунда эмасми? Ҳаётнинг ўлмас маънавий-маиший муаммолари кўп. Драматурглар ва режиссёрлар шундай замонавий асарларни яратишсинки, улар ҳамма даврлар учун замонавий бўлсин.

— Бугунги театрнинг томошабини камлигига сабаб биз театрнинг жаҳонда томошагоҳ сифатидаги асосий мавқеини унутиб, уни кўр-кўрона ахборот манбаига айлантириб қўйишга уринамиз, — дейди режиссёр. — Театрнинг санъат даргоҳи сифатидаги мавқеи билан ҳисоблашмай қўямиз. Халқимизда шундай ҳикматли гап бор: "Ё бозор кўр, ё мозор!". Мозорда ҳамма тенг, бозорда эса бой ҳам, қашшоқ ҳам бор. Демак, одамнинг ибрат олиши учун ҳар иккисида ҳам улуғ ҳикмат бор. Мен театрни ҳам инсон учун поклониш, маънавий мудроқликдан уйғониш масканига айлантириш зарур, деб ўйлайман. Театрга кирган томошабин ундан ҳаётга янги нигоҳ билан қарай бошлайдиган ҳолда чиқиши керак. Нафақат пойтахтда, вилоят марказларида ҳам шундай маънавий муҳитни яратиш мумкин. Бунинг учун томошабин дидини тарбиялаш масаласи ҳамиша кун тартибида туриши керак. Бу борада ҳар бир даврнинг ўзига хос тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

Шу ўринда мен салкам йигирма йиллар бурун Қарши театрида, умуман вилоят ижтимоий ҳаётида бўлиб ўтган бир жараённни айтиб ўтмоқчиман. Ўшанда Ислом Абдуғаниевич Каримов вилоятимизда раҳбар бўлиб ишларди. Бош раҳбарнинг ишлари ниҳоятда кўп ва вақти тиғиз бўлишига қарамай, албатта, ҳар бир премерага келардилар. Бундан ибрат олиб бошқа раҳбарлар ҳам ўз оилалари билан, албатта, театрга тушадиган бўлишганди. Бу ҳол бошқаларга ҳам таъсир этган. Ўшанда вилоят театрида ҳар бир туманнинг ўн кун давом этадиган театр кунлари йўлга қўйилганди. Театр одамлар ҳузурига эмас, энг чекка қишлоқлардаги одамлар ҳам театрга келарди. Улар учун автобуслар ташкил қилинарди. Ўша кунлари кўчма дўконлар ёрдамида савдо ҳам уюштирилган. Бу қишлоқ меҳнаткашлари учун чинакам ғамхўрлик эди. Одамлар театримизга, худди байрамга келгандек, ясан-тусан қилиб келиб-кетишарди. Театр фойесида мусиқа янграб, ҳофизлар қўшиқ ҳам айтиб туришарди. Лекин асосий томоша театр саҳнасида бўларди. Ўйлайманки, одамларнинг саҳнада кўрганлари нафақат уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қоларди, айни чоғда маънавий диди ва савияси ўсишига ҳам хизмат қиларди. Одамлар театрдан ўзлари учун нимадир олиб кетарди. Театрнинг ўзини жойларга олиб чиқиб бундай самарага эришиш қийин. Чунки театр билан концерт саҳнасининг фарқи бор. Масалан, "Соҳибқирон" каби драматик асарларни, унинг мураккаб декорациялари билан ҳар куни туманларга кўтариб юриб бўлмайди-ку. Енгил декорацияга асосланган шарқона анъанавий кўча театрлари услуби бизнинг "Эски мачит" ва "Мулоқот" театр-студияларимиз томонидан ижодий ўзлаштирилгани сабаби ҳам шунда.

— Сиз Қашқадарё театрида режиссёрлик қилган ўша йиллари премераларга онангизни ҳам олиб келаркансиз. У киши ҳам санъаткор бўлганмилар ёки сизнинг актёрлигингиз боис театрни яхши кўрармидилар?

— Йўқ, ундай эмас. Менинг камчиликларимни ҳаммадан кўра онам тўғри ва ҳаққоний айтишлари мумкин эди. 1992 йили режиссёр Баҳодир Назаров билан биргаликда Рихсивой Муҳаммаджоновнинг "Давлат болалари" деган спектаклини саҳналаштирдик. Асар меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларнинг ҳаёти ҳақида. Саҳналаштириш жараёнида бир неча бор болалар уйларига бориб, турли сабабга кўра меҳрга зор бўлиб қолган болалар билан кўп ҳамсуҳбат бўлдим. Уларнинг юриш-туриши, бир-бирларига бўлган муомалаларини кузатдим. Аммо асарни саҳналаштириш жараёнида яна нималардир етишмаётгандек туюлаверди. Ахийри бўлмади, ўша болалар уйида бир ҳафта улар билан бирга истиқомат қилдим. Уларнинг ишончига кириб, ака-укадек бўлиб кетдик. Ана шу бир ҳафта менга жуда кўп нарса берди. Ота ва онанинг ҳақиқий меҳрига зор, ўксик кўнгилли болалар ҳаётини ич-ичидан туриб кузатиш уларнинг бошқалардан пинҳон, қалбининг туб-тубида асрагувчи азиз туйғуларини рўёбга чиқариш имконини берди. Спектакл премерасига ана шу меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳам таклиф этдик. Тақдимотга Тошкентдан ташриф буюрган мутахассислар ва меҳмонлар орасида машҳур рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми марҳум Рўзи ака Чориев ҳам бор эди. Рўзи ака асарни кўзда ёш билан томоша қилиб ўтирди. Тақдимотдан сўнг бўлган муҳокамада Рўзи ака: "Режиссёр ҳам етим ўсган, болалар уйида тарбияланган эканда, бўлмаса, асарни бу даражада табиий гавдалантириш, меҳрга зор ўсмирлар дунёсини бу қадар табиий очиб бериш қийин эди", деб қолдилар. Шунда мен "Йўқ, Рўзи ака, ундай эмас", десам ҳам ишонмадилар. "Сиз негадир етим ўсганингизни яширяпсиз. Бу айб эмас, мен ҳам етим ўсганман", десалар бўладими? Ахийри томошадан сўнг театр залида мени кутиб турган онамни Рўзи ака ҳузурига бошлаб чиқишга мажбур бўлганман. Ўшанда мен болалар уйида қисқа вақт бўлса ҳам яшаб, кузатганларим қанчалар муҳим бўлганини англадим. Болалар учун ҳамма шароитлар яратилган. Уларнинг ҳамма нарсаси бор: хоналарида телевизорлар, ҳозир эса компютерлар муҳайё, истаганча китоб ўқишлари мумкин. Бироқ уларга бошқаларнинг минг меҳридан кўра ота-онасининг меҳри ҳар нарсадан азизлигини унутиб бўлмайди. Ўшанда мен болаларнинг ёстиқлари остидан титилиб кетган расмларни кўрганман. Бу уларнинг оталари ё оналарининг расмлари эди. Ҳар бирининг кўзида "Мени бағрига боссайди онам" деган буюк армонни кўрганман...

Халқимиз сўзинг билан ишинг, тилинг билан дилинг бир бўлсин, деб бежиз айтмайди. Жаббор Тошев кўп йиллик ижодий фаолияти давомида ҳамиша шу ҳақиқатга амал қилишга ҳаракат қилиб келади. Агар унинг актёр ва режиссёр сифатидаги ижод йўлига назар ташласангиз, ҳаёти ҳамиша изланиш билан кечгани, ўз истеъдодини турли жанрларда синаб кўрганига амин бўласиз.

*Учрашув*

Дастлаб Муқимий номидаги театрда фаолиятини бошлаган санъаткор театр ва кинода элликдан ортиқ ажойиб образлар яратишга муваффақ бўлди. Томошабинлар истеъдодли актёрни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев асари асосида суратга олинган "Қадимда бўлган экан" видеофилмидаги аёлининг раъйига қараб қариган онасини тоғдаги ёлғиз дарахт остига ташлаб кетган ва хатосини баногоҳ англаб қолиб ўша жойга шошиб қайтиб келганида топа олмай бўзлаган йигит — Ўсар образи орқали яхши танийдилар (видеофилмни воқеий асар сифатида тушунган баъзи томошабинлар кўча-кўйда уни билмасдан ҳақорат қилган ҳоллар ҳам бўлган). "Пойдевор" видеофилмидаги Мейлиев, шунингдек Алп Жамолнинг "Ғизғизон", Рустам Бойтўранинг "Яраланган қуш ҳамон учмоқда" видеофилмларидаги роллари, "Тоҳир ва Зуҳра", "Нурхон", "Соҳибқирон", "Жаннатга йўл" драмаларида яратган образлари, театр режиссёри сифатида саҳналаштирган ўнлаб асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлган. Ғафур Ғуломнинг "Шум бола", Машраб Бобоевнинг "Онаизор", Анвар Обиджоннинг "Тўтиқуш", Маҳмуд Муродовнинг "Шамширбоз", шунингдек "Синган танбур нидоси" ва "Кал-кал какиён ёхуд масхарабоз" каби узоқ вақт саҳнадан тушмай қайта-қайта ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилган, театр танловлари мукофотларига сазовор бўлган асарлари шулар жумласидандир.

Жаббор Тошев эндиликда телережиссёр сифатида ҳам истеъдодини намоён этиб келмоқда. Сўнгги йилларда техник жиҳатдан имкониятлари бир неча бор кенгайган вилоят ойнаи жаҳони айрим кўрсатувлари савияси жиҳатидан мамлакат марказий телевидениеси билан беллаша оладиган мавқега кўтарилди, десак муболаға бўлмайди. Бу ютуқларнинг боисини муттасил изланиш ва фидойилик, мулоқотлар маданиятини кўтариш, камерани ҳаётнинг бир хилда қотиб қолган нуқталарига эмас, жонли жараёнларга қаратиш маҳорати ошганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу жараёнда ҳам шубҳасиз бош режиссёрнинг истеъдоди ва талабчанлиги, жонкуярлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Шу маънода мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги байрами арафасида пешқадам ижодкорлар сафида Жаббор Тошевнинг ҳам фахрли унвон билан тақдирлангани унинг ижодий меҳнатларига берилган муносиб баҳо бўлди, дейиш мумкин.

Бугун Жаббор Тошевнинг бутун оиласи санъаткор. У фарзандлари тимсолида янги ижодий сулола яратиш йўлидан бормоқда. Истеъдодли актёр ва изланувчан режиссёрга бу борада ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

# ЗИЁДА МОМОНИНГ НУРЛИ НИГОҲИ

*Ибратли умр*

Ҳар гал, бу йил умрининг саксон еттинчи баҳорини қаршилаган мироқилик Зиёда момонинг Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев қаламига мансуб портретини кўрганимда кўнглимда бир ёруғлик пайдо бўлади. Бетакрор бир қиёфа, ҳаётнинг жамики аччиқ-чучугини, паст-баландини бошидан ўтказган, йиллар синовларини чўнг бардош билан енгган нуроний бир онахон суратдан менга ўйчан боқиб туради. Ҳаёлимда баъзи хотиралар жонланади.

...Комилжон бир ёшга тўлган кунлари отаси Амир фронтга жўнайди. Шу-шу қайтиб келмайди. Ёш келинчак Зиёда тақдирга тан бериб, бошқа турмуш қурмайди, бутун меҳрини ўғли Комилжоннинг тарбиясига бағишлайди, шу ёлғиз фарзанди билан овунади. Амир урушгача ўқитувчилик қилганди, эндиликда Косон туманидаги мактаблардан бири унинг номи билан аталади.

Комилжон вояга етиб, Тошкентга ўқишга келади. Институтни муваффақиятли тамомлаб, қишлоқ хўжалиги мутахассиси дипломи билан қишлоғига қайтади, уйланади. Аввалига оддий муҳандис, участка бошлиғининг ўринбосари, сўнг эса каттакон бир трестнинг раҳбари бўлиб ишлайди. Қаерда меҳнат қилмасин, ишга бутун вужуди билан шўнғиб кетади, қурилиш бораётган жойларда, палаткаларда тунаб қолишга тўғри келади. Баъзан эса ҳафталаб уйига боришга ҳам вақт топа олмайди. Аммо ҳамиша унинг хаёлида онаси — Зиёда момо бўлади. Момо келинининг ёнига кириб, набираларини, кейинчалик чевараларини тарбиялаб, оёққа турғизади. Комилжон бўлса, оиладан, фарзандларидан кўнгли тўқ, чўлни ўзлаштиришда давом этади.

1982 йили, ўшанда энди иш бошлаётган ёш журналист эдим, Мироқига бориб, Ҳисорак сув омбори қурувчилари тўғрисида ёзмоқчи бўлдим. Комилжон шу қурилишнинг бошлиғи экан. У менга биринчи мулоқотимиз чоғиёқ ёқиб қолди. Вазмин муloҳазалари, босиқлиги, ишнинг кўзини билиши ҳар қандай суҳбатдошга ҳам маъқул тушар эди.

Тошкентга қайтгач, бу оила тўғрисида, аниқроғи оила бошлиғи Зиёда момо ҳақида устозим Рўзи Чориевга сўзлаб бердим. Билмадим, менинг ҳикоям таъсиридами ё бошқа бир сабабми, ҳарқалай, Рўзи ака Мироқига бориб, қурилишдан лавҳалар чизишга, Зиёда момо билан танишишга жиддий қизиқиб қолди. Орадан кўп ўтмай, икки киши бўлиб, йўлга отландик. Комилжон Амиров барча шароитларни яратиб берди — Рўзи ака бу ерда анча вақт қолиб, бетакрор портретлар, манзаралар ёзди. Комилжон бизни уйига таклиф этганида, Зиёда момонинг нурли чеҳрасини кўриб, Рўзи ака болалардай хурсанд бўлиб кетди. Шу тариқа машҳур "Зиёда момо портрети" яратилди.



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг машҳур "Аёл" шеъри Зиёда момога, шу момо каби садоқатли аёлларга бағишланган.

**Йигитлар мактубин битганда қондан,**
**Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,**
**Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан.**
**Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.**
**Севгидан етиму умрдан ярим,**
**Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.**
**Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,**
**Абадий висол деб билди келинчак.**
**Қақраган лабларда оловли нафас,**
**Кечалар кечмишин айлади кўмир.**
**Паришон сочлари ёр кўкси эмас.**
**Муздайин болишда қолди бир умр...**

Дарвоқе, Абдулла аканинг Рўзи Чориев билан бўлган кўплаб мулоқотларига гувоҳ бўлганман. Бир гал Рўзи ака шоир портретининг эскизини ишлаганида, Абдулла ака шу ҳазил сатрларни ёзганди:

**"Абдулланинг шудир бори,**
**Буни чизди Рўзи Чори..."**

Рўзи аканинг ўзи ҳам мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонлардан эди. Шу боис, у ўзи янглиғ одамларнинг руҳиятини яхши тушунарди. Рассом томонидан яратилган бетакрор образлар, жумладан Зиёда момо портрети ҳам, Абдулла Ориповнинг гўзал сатрлари каби мангу яшаб қолади.

**Рустам ШАГАЕВ**






**Азиз юртдошлар!**

**"ПАХТАБАНК" акциядорлик-тижорат банки**

**мамлакатимизнинг барча фуқароларини мустақил республикамизнинг Бош Қомуси — Конституциямизнинг 14 йиллиги байрами билан қизғин қутлайди.**

**Мамлакатимизнинг Асосий Қомуси халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлини ҳамиша мунаввар этаверсин! Шу билан бирга ўзининг қуйидаги омонат турларини таклиф этади:**

**"Туҳфа" ҳамда "Адолат"**

**"Туҳфа" муддатли омонатини сақлаш муддати 2 ой бўлиб, фоизли даромадингизни олдиндан олиш имкониятига эгасиз.**
**"Адолат" муддатли омонатини сақлаш муддати 3 ой бўлиб, фоизли даромадингизни ойма-ой олиб борасиз.**

**Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади.**
**Омонатлар бадалининг энг кам миқдори — 50 000 сўм.**



**"Пахтабанк"нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг. Омонатга қўйган маблағингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**"Пахтабанк" фаровонлигингиз калитидир!**

